

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад
солиғига имтиёз қўллаш учун сўровномага
илова қилинадиган ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Солиқ тўловчининг йўналтириладиган, солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари бўйича:	
<p>1.1. Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов:</p>	<p>солиқ декларацияси; талаба билан Ўзбекистон Республикаси профессионал ва олий таълим ташкилотлари ўртасида тўлов асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома нусхаси; тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома нусхаси (мавжуд бўлганда); маблағлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.</p>
<p>1.2. Фарзандларига нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар кўрсатадиган таълимга оид хизматлар учун ота-она (фарзандликка олувчилар) томонидан ҳар бир фарзанд учун тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар:</p>	<p>солиқ декларацияси; ариза берувчи билан нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар ўртасида тўлов асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома нусхаси; маблағлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.</p>
<p>1.3. Солиқ базасининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда, меценатлик кўмагини кўрсатиш:</p>	<p>солиқ декларацияси; маблағлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.</p>
<p>1.4. Олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни солиқ даври давомида жами меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг саксон бараваригача бўлган миқдорда қоплашга, башарти уй-жой фондининг кўчмас мулк объектларини сотиб олиш, қуриш ёки реконструкция қилиш дастлабки бадалнинг ва (ёки) ипотека кредити бўйича:</p>	<p>солиқ декларацияси; ипотека кредит шартномаси; маблағлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.</p>

<p>1.5. Фуқароларнинг Халқ банкидаги ихтиёрий равишда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига:</p>	<p>солиқ декларацияси; маблағлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.</p>
<p>2. Солиқ тўловчининг солиқ даври давомида қуйидагиларни тўлаш учун йўналтириладиган, базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз бараваригача бўлган миқдордаги иш ҳақи суммалари ва бошқа даромадлари бўйича:</p>	
<p>2.1. Халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини, тегишли халқаро ташкилот аъзоси сифатида:</p>	<p>солиқ декларацияси; маблағлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.</p>
<p>2.2. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун нодавлат таълим ташкилотларига тўловлар:</p>	<p>солиқ декларацияси; нодавлат таълим ташкилотлари томонидан қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсни тугатганлик тўғрисида берилган ҳужжат; маблағлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.</p>